

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2013 у.г. «12» апрел

№ 337-К

Samarqand t. - p. Samarqand

Фуқаро Нумонжонов Масутжонга
“Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини
“Равонак” маҳалласи худудидан савдо дўкони
қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида”

“Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласида яшовчи фуқаро Нумонжонов Масуджон туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини худудидан савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраган. Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2012 йил 18 апрелдаги 354-сонли Давлат экологик экспертиза хулосаси, “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ бош лойиҳа кидирув институтининг 2011 йил 6-октябрдаги 446 сонли баёни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш чора тадбирлари тўғрисида”ги 146 сонли қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Фуқаро Нумонжонов Масутжонга “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласи худудидан савдо дўкони қуриш учун 93 м.кв кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира эрлари ҳисобидан ер майдони танлаш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Нумонжонов Масутжонга савдо дўконини қуриш учун танланган ер майдонида Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.
3. Юқорида кўрсатилган барча бирламчи хужжатлар фуқаро Нумонжонов Масутжон томонидан тайёрланмаса қарор ўз кучини юқотади.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев